

НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ

Нурмуҳаммедов Муслимбек Учқун ўғли

Адлия вазирлиги масъул ходими

Почта: m.nurmuhamedov27@gmail.com

Тел: +998945356566

Аннотация

ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахслар статистикаси, уларни ҳуқукий ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқукий хужжатлар ҳақида сўз боради

Бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқлари масаласи бутун дунё ҳамжамияти диққат марказида бўлиб турган масала ҳисобланади. Деярли барча мамлакатларда бу соҳада қабул қилинган халқаро конвенциялар ва кўп томонлама шартномаларга амал қилган ҳолда миллий қонунчиликларини доимий янгилаб бориш давлатнинг асосий вазифаларидан бири деб баҳоланмоқда. Ушбу жараёнларда айниқса имконияти чекланган, ногирон шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш жуда муҳимдир. “Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар сифатида менинг энг асосий мақсадларимдан бири – бу Бирлашган Миллатлар ташкилотининг эътиборини ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига қаратишдан иборат эди”, –деб ўз фаолиятига таъриф берган эди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ олий комиссари **Марй Робинсон**¹. Ҳозирда ногиронлик глобал муаммолар бири сифатида кўрилаётгани бежиз эмас. Масалан 1970 йилларда ер юзи аҳолисининг 10 % га яқинини ногиронлиги бор шахслар ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич тахминан 15% ни ташкил этмоқда. Бу ер юзи аҳолисининг деярли 1 миллиард нафари бу муаммони ўз танасида ҳис этиб яшамоқда дегани ва уларнинг деярли 80 % қисми ривожланаётган мамлакатлар фуқаролари ҳисобланишади². Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач ўз олдига **“инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат”** қуришни бош мақсад сифатида қўйди. Бу жараёнда инсон ҳуқуқлари, айниқса ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг конституциявий-ҳуқукий асосларини яратиш долзарб эди. Хусусан ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ҳуқукий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, уларнинг ўз қизиқишилари ва интилишларини ўзга шахслар билан тенг равища рўёбга чиқариш имкониятлари ва шароитларини шакллантириб бериш, уларни жамиятнинг ажралмас бир бўлаги сифатида қабул қилинишига эришиш бу соҳадаги давлат сиёсатининг раҳбарий ғоялари саналади.

¹ The current use and future potential of United Nations human rights instruments in the context of disability. Gerard Quinn and Theresia Degener. United Nations New York and Geneva, 2002

² Всемирная организация здравоохранения и Всемирный банк. 2011 г. Всемирный доклад об инвалидности.

Мустақиллик йилларида ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг хаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама қўмаклашиш чоралари қўрилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бу борада муҳим Фармон ва қарорлари қабул қилингани ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хаётга интилишини ошириш, жамият ҳаётида фаол қатнашишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳани ривожлантириш, аввало, ушбу соҳани тартибга сольувчи конунчилик нормальарини такомиллаштиришдан бошланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳаракатлар шу йўналиш бўйича олиб борилиши белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармойиши билан “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия” тузилди. Ушбу комиссияга ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаш, ушбу соҳадаги умумеътироф этилган стандартларни ўрганиш ва шунга ўхшаш муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270 сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқий муҳофазаси соҳасини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конуни лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланди. Натижада 2020-йилда ногиронларнинг ижтимоий ҳолатини, уларнинг конститутсиявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини, бу соҳадаги хорижий тажриба ва стандартларни чуқур таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конуни қабул қилинди. Конунда қандай шахслар ногиронлиги бўлган шахслар сифатида қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари, ушбу соҳани тартибга солиши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни реабилитация ва абилитатсия қилиш, шунингдек, таълим олиши, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу турдаги шахсларнинг меҳнат қилиши, бандлиги ҳамда бошқа масалалар белгилаб қўйилди. Ушбу Конуннинг қабул қилиниши орқали мамлакатимиз аҳолисини 2,1 % ни ташкил этувчи (тахминан 750 минг киши) ногиронлиги боълган шахсларнинг конститутсиявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни рўйёбга чиқариш асослари яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The current use and future potential of United Nations human rights instruments in the context of disability. Gerard Quinn and Theresia Degener. United Nations New York and Geneva, 2002.
2. Всемирная организация здравоохранения и Всемирный банк. 2011 г. Всемирный доклад об инвалидности.
3. Инклузия лиц инвалидностью. Страновой обзор. Узбекистан. всемирный доклад об инвалидности. World bank group. Social sustainability and inclusion.

Фойдаланилган сайтлар

1. <https://lucris.lub.lu.se/ws/portalfiles/portal/11124103/HRDisabilityen.pdf>
2. <https://yuz.uz/uz/news/nogironligi-bolgan-shaxslarning-ijtimoiy-muhofazasi-yanada-yaxshilanmoqda->
3. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099415012202113860/pdf/P1569620fed8da09c0b06c09f8bbbe48eaf.pdf>
4. <https://www.undp.org/uz/uzbekistan/press-releases/nogironlik-statistikasiga-yondashuv-va-amaliy-vositalar-malumotlarni-toplash-tahlil-qilish-va-ulardan-foydalanish>
5. <https://www.lex.uz>